маҳал қийинчилик туғдирмайди. Унинг тараққиёти объектив мавжудотни ўзаро боғлиқ ҳолда англаш, уларни қиёсий ўрганиш, тараққиётларнинг тилда акс этиб туриши кабилар натижаси бўлади. Яъни полисемия цивилизация белгисидир. Қайси халқда фан, техника, маданият, санъат тараққий этган бўлса, ўша халқ объектив борлиқнинг ўзаро алоқасини шунча кўпроқ кўради, уларни бир-бирига кўпроқ ҳиёс этади ва булар тилида кўпроқ ўз аксини топади. Сўз маъноларини ўзгартириб турувчи тараққиётлар кетма-кет содир бўлиб туради. Бу эса полисемантик сўзлар тараққиёти учун сабаб бўлади, яъни инсоннинг ўз атрофини ўраб турган борлиқнн умумлаштира олиши билан боқлиҳ ҳолатда полисемия мавжуд ва тараққий этади [9].

Айрим тилшуносларнинг полисемия ҳодисасини умуман тан олмасликлари, “сўз маъносидаги кичик ўзгариш ҳам уни бошқа сўзга айлантириши” каби қарашлари ўзини оқламайди. Аксинча, кўп маъноли сўзлар синоним, антоним ва омонимлар каби тил тараққиётини, унинг бойлигини, кўп маънони бир сўзда сингдира олиш қобилиятини, тилдаги тежамкорлик тамойилларини яққол намоён этади.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш керакки, кўп маъноли сўзнинг мақсадга мувофиқ маъносини танлаб ишлатиш, ўз ўрнида фойдаланиш тил эгасидан закийликни талаб этади.

Келажакда кўп маъноли сўзларни ўзбек тилининг миллий корпусига тадбиқ этиш омонимияни таълим-тарбия, кибернетика соҳалари қадар силжиган муҳим амалий аҳамият касб этганини асослайди.

**Адабиётлар**


1. Алиқулов Т. Полисемия существительных в узбкском языке. Автореферат канд. дисс…– Ташкент: 1960, –С. 210.
2. Алиқулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. №3. 1963, 51-56-б. Синекдоха йўли билан полисемияларнинг вужудга келиши ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. №3. 1965, 30-35-б.
3. Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова. // Вопросы языкознания.№ 5. 1953, – С.3-29.
4. Галкина-Федорук Е.М. Современный русский язык. Лексика. – М.: «Наука», 1954, –С. 287.
5. Голуб И. Стилистика русского языка. Учеб.пособие // http: www.hi-edu.ru
6. Гурычева М.С., Серебренников Б.А. Задачи изучения основного словарного фонда языка.//Вопросы языкознания. №6. 1953.
7. Зоҳидов Р. “Сабот ул-ожизин”даги кўп маъноли сўзларнинг қиёсий таҳлили. // Ўзбек тили ва адабиёти. №2. 2003, 49-б.
8. Кочетова Н. Национальная специфика семантем русской и английской адвербиальной лексики.Дисс. на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Воронеж: 2017, –С. 276. http://www.science.vsu.ru/dissertations/5066/
9. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: “Фан”, 1984, 135-б.
10. Менглиев Б. Луғавий кўп маънолик лисон ва нутқ бўлинишида. // Ўзбек тили ва адабиёти.№5. 2000, 51-54-б.
11. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2002, 177-б.
12. Sayfullayeva R. va b. Hozirgi o’zbek adabiy tili. – Toshkent: «Fan va texnologiya», 2010, 590-b.
13. Тўхлиева Ш. Қўшма гапларда синтактик полисемия ва синонимия. // Ўзбек тили ва адабиёти. №6. 2005, 102-104-б.
14. Умурқулов Б. Кўп маънолик ва насрий нутқ. // Ўзбек тили ва адабиёти. №6. 2000, 59-61-б.
15. Янцукова Т.В. Разграничение полисемии и омонимии в горномарийско-русских словарях // www.sworld.com.ua/
16. Ҳакимова М. Семасиология. – Тошкент: 2008, 70-б.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақоладатилшуносликда қадимдан мавжуд бўлган ҳодиса – полисемиянинг ўзига хос хусусияти, қўлланилиши, ёндош ҳодиса – омонимияга бўлган муносабати атрофлича ёритилган. Кўп маъноли сўзга олимларнинг муносабати ифодаланиб, умумлаштирилган. Айрим тилшуносларнинг полисемия ҳодисасини умуман тан олмасликлари ўзини оқламаслиги, аксинча кўп маъноли сўзлар синоним, антоним ва омоним каби тил тараққиётини, унинг бойлигини, кўп маънони бир сўзда сингдира олиш қобилиятини, тилдаги тежамкорлик тамойилларини яққол намоён этиши асосланган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье подробно рассматривается явление, существовавшее в языкознании с древнейших времён – особенность многозначности, её применение, её связь с сопутствующим явлением – омонимией. Выражено и обобщено отношение учёных к многозначному слову. Тот факт, что некоторые лингвисты вообще не признают феномен полисемии, основан на том, что он не оправдывает себя, напротив, многие значимые слова являются синонимами, например антоним и омоним, развитие языка, его богатство, способность интегрировать многие значения в одно слово, очевидное проявление принципов экономии в языке.

**SUMMARY**

This article discusses in detail the phenomenon that has existed in linguistics since ancient times-the peculiarity of polysemy, its application, its relation with the accompanying phenomenon – homonymy. The attitude of scientists to the polysemous word is expressed and generalized. The fact that some linguists do not recognize the phenomenon of polysemy, based on the fact that it is not justified, on the contrary, many relevant words are synonyms, for example the antonym and the homonym, the development of language, its richness, its ability to integrate many values in one word, an obvious manifestation of principles of economy in language.


## ЗАМОНАВИЙ НЕМИС ТИЛИ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚИДА ИНГЛИЗЧА СЎЗЛАР


**С.С.Далжанова –** *катта ўқитувчи*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Ф.М.Тиллахўжаева –** *катта ўқитувчи*

*Қўқон давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** жамият тараққиёти, маданий алоқа, ҳамкорлик, ўзлашган сўзлар, маъно, жараён.

**Ключевые слова:** социальное развитие, культурные связи, сотрудничество,заимствованные слова, значение, процесс.

**Key words:** social development, cultural relation, collaboration, borrowings, meaning, process.


Маълумки, ҳар бир тил доимо жамият тараққиёти, ундаги тарихий жараёнлар, илм-фан ривожланиши билан ривожланиб, бойиб боради. Халқлар ўртасида қадимдан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар, маданий алоқа ва ҳамкорликнинг мавжудлиги тилнинг луғат бойлиги ошишига замин бўлиб хизмат қилади.

Тил луғат таркибининг бойиши асосан 2 хил манбалар асосида шаклланади:

– ички манбалар асосида;

– ташқи манбалар асосида;

Тилнинг ички манбалар асосида бойиши сўзларга сўз ясовчи қўшимчалар ва сўзни сўзга қўшиш орқали амалга ошади.

Шу билан бирга, ташқи манбалар асосида бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш орқали ҳам кўплаб янги сўз атамалар тилга кириши, уларнинг луғат бойлигининг янада бойишида ва услубий бунёдкорликнинг ранг-баранглигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Ўзлашган сўзнинг қўшимча китобий буёққа эга бўлиши ва унинг лексик маъносини морфемалар таркибидан келтириб чиқариш мумкин бўлмаслиги каби ҳоллар уни қабул қилаётган тилдаги бошқа сўздан фарқланувчи белгиси саналади.

Хусусан, немис тилига ҳам турли тиллардан, шу қатори инглиз тилидан жуда кўп сўзлар ва атамалар ўзлашган ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Ўзлаштириш жараёни давомли жараён бўлиб, илм-фан техника тараққиёти билан бирга доимо ривожланиб боради.

Ўзлашган сўзлар немис тили луғат бойлиги таркибининг 10%ни ташкил этади. Кўриниб турибдики, ўзлашган сўзлар немис тили луғат бойлиги таркибида

муҳим ўринни эгаллайди.

Инглиз тилидан олинган сўзларнинг катта қисми немис тилига ўзи билдирган предмет ёки ҳодисалар билан бирга кириб келган. Масалан, компьютернинг кириб келиши билан *Computer, Hard disk, Software, Multimedia Digital, Printer, CD-Rom, Information, Process* каби инглизча сўзлар немис тилига ўзлашган.

Лисоний таҳлиллар шуни кўрсатадики, инглизча ўзлашган сўзлар немис тилида қўлланилиши жараёнида немис тили морфологик хусусиятларини қабул қилади:

а) от сўз туркумига оид ўзлашган инглизча сўзлар бош ҳарфда ёзилади, кўплик ва род белгиси бўлган артикл билан қўлланади:

Масалан:

| **Singular** | **Plural** |
|---|---|
| der Chef | die Chefs |
| das Handy | die Handys |
| die Branche | die Branchen |
| die Chance | die Chancen |
| das Hobby | die Hobbys |
| das Team | die Teams |
| das Job | die Jobs |
| der Flyer | die Flyer |
| der Trainer | die Trainer |

b) феъл сўз туркумига оид ўзлашган инглизча сўзлар шахс-сон қўшимчаларини олиб тусланади.

Масалан: testen, jobben, shoppen, facetimen.

Эмма Ленц Маннинг [5] таъкидлаши бўйича, „Das Meeting wurde gecancelt” немис тилига „Die Besprechung wurde abgesagt“деб таржима қилинади.

Шундай аралашма гапларга немис олимлари “Denglisch”[5] деган ном қўйган ва бу тил асосан ёшлар ва рекламаларда қўлланишини таъкидлайди.

Ўзлашган инглизча сўзларнинг немис тилида қўлланилиши оғзаки нутқда, айниқса немис ёшлари орасида кенг тарқалмоқда. Масалан, немисча das Rad (велосипед) сўзи бўлишига қарамай кўпгина ёшлар оғзаки нутқда инглизча Bike (велосипед) сўзини қўллашни афзал кўряпти.

Яна шу нарсага эътибор қаратиш керакки, инглизча ўзлашган сўзлар асосан инглиз тилида қайси тушунчани ифодаласа, немис тилига ўзлашганда ҳам худди ўша тушунчани ифодалайди. Лекин баъзи холларда, Владимир Симович [6] таъкидлагандек, янги инглиз тилидан ўзлашган сўзлар немис тили оғзаки нутқида ***бутунлай*** бошқа маънода қўлланиши кузатилмоқда. “Es gibt Wörter im deutschen Sprachgebrauch, die zwar englisch klingen, aber in der englischen Sprache unbekannt sind oder eine ganz andere Bedeutung haben.“

Масалан, Германияда **“Oldtimer”** сўзини эшитганлар эски, лекин яхши ҳолатдаги енгил машинани кўз олдига келтиради. Инглиз тилида бу сўз “**кекса киши**” ёки “**кекса эркак**” деган маънода қўлланади.

Немис тилида ***“Handy”*** сўзи қўл телефонини ифодалаш учун қўлланилади, инглиз тилида эса бу сўз сифат бўлиб келади. Америкада қўл телефон ***Cell*** деб аталади.

Германия “Vitamin de” журналида **[3-15]** ***Public Viewing*** сарлавҳаси остида „Fußball schauen auf der großen Leinwand” деган гапдан бирор спорт мусобақани жамоа бўлиб катта телевизорда кўриб ўтириш деб тушунсак бўлади. Лекин инглиз тилида ***Public Viewing*** жамоа хайрлашиш учун қўйилган жасадни тушунади.

Германияда ***Body Bag*** сўзни эшитган одам рюкзак тўғрисида гап кетаётганини тушунади. Инглиз тилида гаплашаётганларнинг кўз олдига мурдалар учун **қора қоп** келади.

Жуда кўп учрайдиган ***Beamer*** сўзи Германияда ***проектор*** деб тушунилади**.** Инглиз тилида проектор учун ***video projector*** сўзи ишлатилади**.**

Шу билан бирга, кўпгина инглизча сўзлар немис тилида ўзига хос тенгликка эгалиги сабабли янги сўз бирлиги сифатида ўзлаштирилмай, балки улар осонлик билан таржима қилинади.

Масалан:

Shorts- Kurzhose (шортик)

die Party-ein Fest mit Essen und Trinken, Musik (байрам)

stupid-dumm (жинни)

City – Stadt (шаҳар)

Darling –Liebling (севгилим)

Немис ва инглиз тилларнинг бир тил оиласига таалluқли эканлиги, баъзи сўзлар орасида генетик ўхшашликни келтириб чиқаради ва улар фонетик тузилиши билан фарқланади.

Масалан:

Weekend – Wochenende (дам олиш кунлар)

Tearoom – Teeraum (чойхона)

Star – Stern (юлдуз)

Dancing – Tanz (рақс)

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиб айтганда, ўзлашган инглизча сўзлар немис тили лексикасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, унинг ривожланишига ва бойишига ўзига хос тарзда кўмак беради.

Ўзлаштириш жараёнини қўшма сўзларининг ясалишида ҳам кузатишимиз мумкин. Биринчи қисм немисча, иккинчиси эса инглизча сўздан ташкил топган сўзлар жуда кўп учрайди.

Масалан:

Berufs **news** (касб янгиликлари )

Die Schiffbau**branche** ( кемасозлик тармоғи)

Im Tischtennis**club** (теннис клубида)

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, немис тили луғат захирасига ўзлашган инглизча сўзлар ўз таллафузи ва орфографиясини сақлайди.

Масалан:

Team [‘ti:m]; News [‘nju:z]; Bike [‘baɪk]; Chance [‘ʧæ:ns]; Hobby [hɔbɪ]

Таҳлил жараёнида одатда, ўзлашма сўзлар характерига кўра ёт, бегона эканлиги сезилиб туради. Аммо ҳозирда ўзлашган сўзларнинг қўлланилиш доираси туб немисча сўз бирикмалари каби бўлиб қолган.

Масалан:

Tennis, Labour, Job каби сўзлар.

Немис тили тилшунослигининг ривожланишига катта ҳисса қўшган рус тилшуноси К.А.Левковскаянинг [2] фикрича, янги сўзнинг ўзлаштирилиши унинг шу тилдаги маънодоши ёки ўриндоши бўлмаслигига боғлиқдир. Лекин тилшуносликдаги кейинги кузатишлар ушбу фикрнинг аксини кўрсатмоқда.

Масалан: “Mach s Richtig” журналидан олинган ушбу гапни таҳлил қилайлик: “Die Mannshaft spielt eine Klasse höher als mein altes Team”.

Ушбу гапда немисча die Mannshaft (жамоа) сўзи инглизча Team (жамоа) сўзи билан бир гапда параллел тарзда қўлланмоқда.

Натижада бундай инглизча сўзларнинг таржимасини сўнгги нашрлардан “Nemischa – o‘zbekcha, o‘zbekcha – nemischa lug‘at”да [1-114, 79, 387, 341] топиш мумкин. Масалан,

| | |
|---|---|
| die E-Mail | электрон хабар |
| die Chips | қовурилган қасир-қусир картошка |
| das Baby | чақалоқ |
| die Tour | саёҳат, сайр |
| das Shopping | харид қилиш |

Юқоридаги мисолдан янги ўзлашган инглизча сўзлар немис тилида қўлланилаётган туб немисча сўзларни сиқиб чиқармай, балки унга услубий буёқдорлик, ранг баранг маъно беради, деган хулосага келишимиз мумкин.

**Адабиётлар**

1. Исмаилов Ю., Каримов Ш.К. Nemischa – o'zbekcha, o'zbekcha – nemischa lug'at. – Toshkent: „Akademnashr", 2017.
2. Левсковская К.А.Лексикология немецкого языка. – Москва: 1956.
3. "Vitamin de" Journal für junge Deutschlerner, N 77, 2018.
4. Ilse Sander und andere. DaF kompakt A1-B1.Ernst Klett Sprachen. Stuttgart.2015.
5. https://blog.pasch-net.de › pasch-global › archives "Alles Denglisch?" 2017.
6. Vladimir Simović ,https://www.vladimir-simovic.de › Gesellschaft ,Englische Wörter, die nur Deutsche kennen, 2018.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада хозирги замон немис тили оғзаки ва ёзма нутқида инглизча сўзларнинг қўлланилиши масалалари қараб чиқилган. Шунингдек, инглиз тилидан кириб келган сўзларнинг луғатда берилиши ва баъзи сўзларнинг маъноси ўзгариб, немис тилида қўлланилганлигига алоҳида эътибор бериш зарурлиги ҳақида сўз юритилган. Мақолада "Denglisch" деб ном олган аралашма гаплар масаласи алоҳида ёритиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается использование английских слов в немецком языке в настоящее время и проблемы, возникающие с этим. С этой целью были изучены и проанализированы статьи, посвящённые этой проблеме из интернет - источников на русском, немецком, а также английском языках. Были представлены конкретные примеры использования английских слов в современных журналах. Особое внимание в статье уделяется понятию "Denglisch".

**SUMMARY**

The article discusses the use of English words in German and the problems that arise in connection with this issue. For this purpose, articles devoted to this problem from Internet sources in Russian, German, and also English were studied and analyzed. Concrete examples of the use of English words in modern magazines were presented. Particular attention is paid to the concept of "Denglisch".


## ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛЫҚ АЎЫЗЕКИ ДӨРЕТПЕЛЕРИНДЕГИ АРАБЛЫҚ ШЫҒЫСҚА ИЙЕ АНТРОПОНИМЛЕР


**З.Ж.Даниярова** - *докторант*

*Өзбекстан Республикасы Илимлер академиясы Қарақалпақстан бөлими*

*Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеў институты*



**Таянч сўзлар**: фольклор, тил, нутқ маданияти, антропоним, арабча исмлар, тарихий-этнографик, лексик-семантик.

**Ключевые слова**: фольклор, язык, культура речи, антропоним, арабские имена, историко-этнографический, лексико- семантический.

**Key words**: folklore, language, culture of speech, antroponym, historical-ethnographic, arabic names, lexical semantical.


Тил илиминиң үлкен тараўы болған сөзлик қурамның изертлеўди талап ететуғын темалары, үйренилиўи тийис машқалалары көп. Сөзлик қурамның ишиндеги шығыў төркини, турақлылығы жағынан ең ески қатлам есапланатуғын антропонимлер сөзлиги ҳәр тәреплеме изертлеўге турарлық актуал темалардың бири. Өз тилиниң ең бай, ең қымбатлы ғәзийнеси болған сөзлик қурамына қанша тереңирек үңилген сайын ҳәр бир халық өзлигин және де тереңирек, айқынырақ таныйды. Профессор Е.Бердимуратов атап өткениндей: «Қарақалпақ халқының пүткил тарийхый өмири, күн көриси, ақыл-ойы, психологиясы, руўхый дүньясы, интеллектуаллық раўажланыў жағдайлары, пүткил турмысы барлығы сәўлелениўин тапқан». Тил илиминде ҳәзирги күнге шекем илимпазлар тәрепинен меншикли адам атлары ҳәм олардың мәнилери, қойылыў себеплери, морфологиялық, тарийхый-этнографиялық ҳәм лексика-семантикалық өзгешеликлерине арналған бир қанша мийнетлер баспадан жәрияланды. Олардан қазақ тилинде Жанузақовтың [1], өзбек тилинде Э.Бегматовтың [2], башқурт тилинде Т.Кусимованың [3], әзербайжан тилинде З. Садықовтың [4], татар тилинде Г.Галиуллина [5], ҳинд-европа тиллериндеги меншикли адам атлары В.А.Суперанская [6] ҳәм қарақалпақ тилинде О.Сайымбетовлар [7] тәрепинен орынланған жумыслар меншикли адам атларын үйрениўде баҳалы дереклерден есапланады. Қарақалпақ халық аўызеки дөретпелери тили лексикасында ушырасатуғын меншикли адам атлары шығысы жағынан ҳәр қыйлы тиллик қатламларға ийе. Бул мәселе бойынша да мақалалар жәрияланды. Ж.Шамшетов арнаўлы мақаласында қарақалпақша адам атларының қурамындағы шығысы араблық қатламлардың қолланылыўы, қурылыс өзгешеликлери ҳәм олардың фонетикалық өзгешеликлерине тоқтаған [8]. О.Юсупов өзиниң мақаласында «Алпамыс», «Байбөри», «Әшим» антропонимлериниң этимологиясын ашып, бир неше тужырымлы дәлиллер менен тарийхый жақтан сыпатлама берген [9]. Г.Садықова Қоблан дәстаны тилинде айырым антропонимлердиң қолланылыўы бойынша өзиниң пикирлерин билдирген [10]. Ш.Қунназарова өз мақаласында халық ертеклериндеги айырым араблық шығысқа ийе антропонимлерге тоқтаған [11]. Демек, биз жоқарыда көрип өткен монографиялар ҳәм мақалалар айырым антропонимлерди лингвистикалық жақтан изертлеўге арналған. Бирақ бул изертлеўлер жеткиликли емес.

Араблар Орта Азия ҳәм Қазақстан аймақларын VIII әсирде жаўлап алды ҳәм усы аймақларда ислам дининиң ең жайыўына, араб мәдениятының илиминиң кең түрде тарала баслаўына себепши болды. Соның нәтийжесинде арабша бир неше сөзлер ҳәм адам атлары жүзеге келе баслады [7:19]. Проф. Е.Бердимуратов қарақалпақ тилиниң сөзлик қурамындағы арабша сөзлерди араблар менен тиккелей сөйлесиў арқалы емес, ал қоңсы халықлардың тиллери арқалы, сондай-ақ тиккелей диний китаплар арқалы, классик әдебият арқалы аўызеки ҳәм жазба түрде келип кирген деп есаплайды [12]. Б.А.Старостин «Арабша адам атлары түркий тиллерине, соның ишинде, Орта Азия тиллерине, тийкарынан парсылардың тәсири арқалы таралды»,-деп көрсетеди [13].

Қарақалпақ тилиндеги антропонимлердиң қурамында «Әбди» сөзи жийи қолланылады. Бирақ бул сөздиң «Қул» деген мәнини аңлататуғынын көпшилик билмейди. «Әбди» сөзи қудайдың лақап атларына қосылып айтылады. Қудайдың лақапларына «Әбди» сөзиниң қосылыўынан болған адамлардың атлары улыўма «қудайдың қулы» деген мағананы билдиреди [7]. Мусылман теологлары барлық жақсы сыпатлама қудайға тийисли, оның 99 ы ең баслы лақап аты. Бул лақап атлары қудайдың сапасын, қәсийетин, көп тәрепли искерликлерин аңлатады. Бул лақап атлар ең жақсы атлар деп түсиндириледи. Қарақалпақ фольклорында «Әбди» сөзи менен қосылып келетуғын Қудайдың лақап атлары төмендегилер

Жаныңда бар **Әбдираман** мәхремлер,

Алты мың ләшкериў, он жети сәрдар, ("Қырық қыз", 9-т, 170-б).

Әййем өткен заманда, кенегес деген руўда, қарақалпақ халқында, тоғыз түлик мал баққан, байлықтан аты әлемге шыққан, аш-арықтың кеўлин тапқан, талабы алдына шапқан, сақыйлықтан аты шыққан **Әбдикерим** бай деген бай бар екен (Мәспатша,10-т, 177-б).